

АХБОРОТ ЖАМИЯТИ ВА ПОСТИНДУСТРИАЛ ЖАМИЯТ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТУРЛИ ЖИҲАТЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10161515>

Кудратхўжа Шерзодхон Тожиддинхон ўғли

сиёсий фанлар номзоди, профессор в.б.,

Ўзбекистон журналистика ва

оммавий коммуникациялар университети ректори

Аннотация. Мақолада ахборот ва постиндустриал жамиятлар, уларниң мөҳияти, мазмуни ва ҳусусиятлари таҳлил этилади. Мазкур ходисаларнинг фуқаролик жамияти билан уйғинлиги, келиб чиқиши тарихи, уларни назариясини илгари сурган олимларнинг қараашлари ўрганилади. Шунингдек, мақолада мазкур категорияларнинг коммуникация воситаларининг ривожланиши ва истиқболлари билан боғлиқ жиҳатлари атрофлича келтирилади.

Калим сўзлар: Коммуникация, ахборот жамияти, постиндустриал жамият, коммуникатив алоқалар, жамиятдаги коммуникациявий жараёнлар, очиқ жамият, билимлар жамияти.

Abstract. The article analyzes information and post-industrial societies, their nature, content and characteristics. The compatibility of these phenomena with civil society, the history of origin, the views of the scientists who put forward their theory are studied. Also, in the article, the aspects related to the development and prospects of communication tools of these categories are presented in detail.

Keywords: Communication, information society, post-industrial society, communicative relations, communicative processes in society, open society, knowledge society.

XXI асрнинг бошларига келиб жамиятни “таълим жамияти” ва “билимлар жамияти” деб номлашлар русумга кира бошлади. Бу албатта, билимларни ишлаб чиқариш, яшаш жойларни эркин равишда ўзгартириш, сотиш ва сотиб олиш мумкин, ғояларни пайдо бўлиши натижаси эди. Бу соҳадаги биринчи фикр 1962 йилда АҚШ иқтисодчи олими *Фримс Мэклан* илгари сурилди.. Шундан яна ўн йил ўтиб япон олими *Йонеи Масуда* етакчилигидаги тадқиқот гурухи бу ғояларни янада ривожлантириб янги “Ахборот жамияти лойиҳаси – 2000 йилгача миллий мақсад” резолюцияси лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу лойиҳада ахборот қадриятларини ишлаб чиқаришнинг моддий ишлаб

чиқаришга нисбатан устуворлигига эришиш – ҳозирги давр жамиятини ривожлантиришнинг асосий омили ва асосий кучидир тезиси эълон қилинди.

Бу даврда микропроцессорлар асосида ишлайдиган ҳисоблаш техникаси янги ахборот жамиятини пайдо бўлишини янада тезлаштириди. Бу пайтда ҳисоблаш техникаси деб турли техникавий ускуналар, тизимлар ва усуллар ёрдамида ахборотларни олиш, уларга қайта ишлов бериш ва уларни сақлаш тушунилди. Ахборотларни бошқа субъектларга узатиш - бир ҳисоблаш техникасидан иккинчисига, яъни ахборот манбасидан ахборот “истеъмолчига”, шу билан бирга, ахборотларга эҳтиёж сезган кишиларга етказиб бериш имконияти ва шарт-шароитлари пайдо бўлди. Бу ҳисоблаш техникаси қисқа вақт ичида ишлаб чиқаришга оид қарорлари қабул қилиш ва барча технологик ҳаракатларни бир жойга интеграциялаш учун янгидан-янги имкониятлар яратди. Ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш янги пайдо бўлаётган замонавий жамиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи ва “ўзгартирувчи кучи” сифатида намоён бўла бошлади. Микропроцессорлар асосида ишлайдиган ҳисоблаш техникаси жамиятга кенг жорий этилганидан кейин олимлар бу жамиятни иккинчи индустрисал инқилоб деб атай бошлади.

Бу даврда ҳисоблаш техникаси истеъмолчилари ва бу соҳада фаолият юритувчи ходимлар ҳамда хизматчилар сони тезлик билан кўпайди. Бу соҳада ишловчи меҳнат жамоалари янги жараёнда янги технологиялар, янги такомиллашган ахборот ускуналаринин ўзлаштириш муаммолари пайдо бўлди. Шунингдек, ахборот соҳасининг нафақат иқтисодиётдаги аҳамияти ортти, балки унинг ижтимоий ва сиёсий аҳамияти – ахборот жамиятини ривожлантиришга таъсири кучайди ва тезлашди. Энди “Ахборот жамияти” тушунчаси гипотезадан амалиётта - жамият ривожланишининг асосий омилига айланди.

“Ахборот жамияти” атамаси илк бор XX асрнинг 60-йиллари бошида деярли бир вақтнинг ўзида АҚШ олими Ф.Махлуп ва япон олими Т.Умесао томонидан илмий муомалага киритилди. Назариётчилар янги “ахборот жамияти”ни асосини ахборот инқилоби яратганлигини қайд этди. Бу жамиятда ахборот жамиятнинг асосий тавсифини белгилаб, ахборот асосий ижтимоий ресурслар сифатида намоён бўлади: иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча томонлари аксил оммалашади ва аксил стандартлашади; юқори инновациявийлик авж олиб, барча ижтимоий ўзгаришлар тезлашади. Бу тасаввурларга асосан янги жамият XX аср охиригача яшаган жамиятга нисбатан бутунлай тескари жараёнлар билан тавсифланади. Бюрократия ва марказалашув

ўрнида демократлаштириш, концентрациялар бузилади, оммавий жамиятнинг муҳим унсури бўлган стандартлаштириш индивидлаштиришга айланади¹.

“Ахборот жамияти”да замонавий технологияларнинг инновацияйлиги² ривожланишининг асосий генератори ўзини намоён қила бошлади. Компьютер хотираларининг ҳажми, файлларни бирлаштира олиш қобилияти, ахборотларни тезлик билан ишлаши, бу жараённи назорат қилишни жуда ҳам қулайлиги ахборот тармоқларини, маълумотлар банкларини яратиш ва ахборотларни ялпи равища ишлаб чиқара олиш учун шарт-шароитлар яратди. Пайдо бўлган янги инфратузилма ахборот жамиятининг қиёфаси ва тимсоллари сифатида шаклланди. Жамиятни компьютерлаштириш ва янги технологияларнинг глобаллашуви, фойдали иш коэфициентини юқорилиги одамлар билан жамият ўртасида янги уйғунлашиб кетишлар учун шароитлар яратди, таббий олам устидан назорат қилиш учун янги ресурслар сифатида намоён бўлди. Бу ўзгаришлар натижасида саноат чиқиндиларини назорат қилиш, экологик курашнинг янги усулларини яратилишига олиб келди. Ахборот жамияти индустрисал жамиятнинг муаммоларининг ечимларини топиш воситаси сифатида пайдо бўлди.

Ахборот-коммуникация воситалари, ускуналари ва асбобларнинг такомиллашиб бориши, ахборотларни бошқа субъектларга узатишида материалларнинг такомиллашиб бориши туфайли ҳам у кенгайиб борди. Бу соҳа таркиби электроника, теле-, радио- ва овоз анжомлари, ўлчов қурилмалари, нашр ва кўпайтириш машиналари, кабеллар, интеграл схемалар, нашр материалларига асосланган турли коммуникация воситалари, компьютерлар ва бошқа қурилма ҳамда механизмлардан иборатdir³. Ахборот жамияти ривожланишининг келажагида қуйидаги соҳалар ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда: меҳатроника; ахборот-коммуникация тизимидағи инновациялар; янги қашф этилган саноат материаллари; биотехника; янги муқобил энергиялар.

“Фаол жамият”нинг яшашини муҳим шарт-шароитларидан бири – бу ахборот-коммуникациялар ишлаб чиқаришда плюрализмга амал қилишдир. Ахборотлар ҳам бошқа истеъмол моллари каби жамиятга берилган хукуқ

¹ Налетова И.В. Окатов А.В. Термины «гражданское общество» и «информационное общество» в терминологическом ряду современной социологии// <https://izron.ru/articles/perspektivy-razvitiya-sovremennoykh-obshchestvennykh-nauk-sbornik-nauchnykh-trudov-po-itogam-mezhduna/sektsiya-14-teoriya-istoriya-i-metodologiya-sotsiologii-spetsialnost-22-00-01/terminy-grazhdanskoe-obshchestvo-i-informatsionnoe-obshchestvo-v-terminologicheskem-ryadu-sovremennoy/>.

² Инновация - [лат. innovation янгилаш; ўзгариш] – янгилик киритиш; жараёнларни самарали ва сифатли ўсишини таъминловчи ёки бозор талаб этган маҳсулотлар сифатини оширишга қаратилган янгиликларни киритилиши.

³ Асп Э.К. Введение в социологию.Перевод с финского языка.-СПб:АЛЕТЕЙЯ,2000.-С. 60-64.

доираси ичида истеъмолчилар томонидан фойдаланилади ва назорат қилинади. Мисол учун, турли компанияя ва ташкилотларга тегишли компьютер файллари стратегик муҳим аҳборотларни сақлаб туради, шу туфайли ҳам жамият аҳборотлар банкларини назорат қилишга мажбурдир.

Сиёсий ва ижтимоий-гуманитар фанларда “очиқ жамият” ва “ёпиқ жамият” тушунчалари ишлатилади. Социология ва сиёсий фанларга “очиқ жамият” тушунчаси таниқли инглиз олими Карл Поппер томонидан киритилди. Бу тушунча ўзига хос равищда либерал-демократик ва социал-демократик рухият ҳамда фуқаролик жамияти синоними сифатида қабул қилинди.

А.Бергсоннинг тавсифлашича, “ёпиқ жамият” – бу унинг аъзолари ҳаётий хулқларида ижтимоий бирлик (жамият ёки ижтимоий институтлар) томонидан мажбуран қабул қилдирган хулқий меъёрларга амал қилиб яшайди. Бу ҳаёт жараёни анъанавий урф-одатлар таъсирида қаттиқ қатағонлар хавфи ва бажарилиши мажюур бўлган кўрсатмаларни ҳаётда амалга ошириш жараёнларида наслдан-наслга ўтиб келган. “Ёпиқ жамият”ни ўзгармас биологик қонунлар бўйича кун кўрадиган тирик организмга қиёсласа бўлади. Хулқнинг жамиятни маънавий ва амалий шаклларда уюштириш йўли сифатида организмнинг дастлабки биологик импульси тизимиға ўхшashi – бу ёпиқ жамиятнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

- Головистикова, А.Н. Проблемы теории государства и права: учебник/А.Н. Головистикова, Ю.А. Дмитриев. -М.: Эксмо, 2005. –С.124.
- Налетова И.В. Окатов А.В. Термины «гражданское общество» и «информационное общество» в терминологическом ряду современной социологии// <https://izron.ru/articles/perspektivy-razvitiya-sovremennoykh-obshchestvennykh-nauk-sbornik-nauchnykh-trudov-po-itogam-mezhduna/sektsiya-14-teoriya-istoriya-i-metodologiya-sotsiologii-spetsialnost-22-00-01/terminy-grazhdanskoe-obshchestvo-i-informatsionnoe-obshchestvo-v-terminologicheskom-ryadu-sovremenno/>
- Асп Э.К. Введение в социологию.Перевод с финского языка.- СПб:АЛЕТЕЙЯ,2000.-С. 60-64.
- Muratova, N. (2022). Mass Media in State Strategic Programs of Information Society Development in Different Countries. *International Journal of Social Science Research and Review*, 5(4), 56-61. <https://doi.org/10.47814/ijssrr.v5i4.259>